*Янги рукн: маънавият гулшани*



# БОҚИЙ ҲАМРОҲИМ

**АДИБ, ТАРЖИМОН ВА МУНАҚҚИД ИБРОҲИМ ҒАФУР БИЛАН ПУБЛИЦИСТ АШУРАЛИ ЖЎРАЕВ СУҲБАТИ**

**Ашурали ЖЎРАЕВ: Иброҳим ака, сизда китобга меҳр қачон уйғонган? Илк ўқиган китобингизни эслайсизми? У қайси китоб эди?**

**Иброҳим ҒАФУР:** Болалик чоғларим китоб менинг ҳаётимга қандай кириб келганлиги ҳақида сўзлашдан олдин, андак бўлса-да, болаликдаги ёдимда қолган баъзи таассуротлар тўғрисида эслаб ўтишга тўғри келади. Чунки энг катта китоб бу — ҳаётнинг ўзи. Бошқа барча китоблар эса унинг унча-мунча ўхшаган ёки ўхшамаган нусхаларидир. Ҳар бир одамларнинг таассуротлари — унинг ёзилмаган китоблари. Мен ҳаётдан олинган таассуротларни китоб қаторига қўяман. Чунки улар одамнинг шаклланиши ва тарбиясида ҳам катта аҳамият касб этади, ҳам жиддий таъсир кучига эга.

Урушдан пича илгари туғилганман. Илк болалик пайтларим уруш ва урушдан кейинги йилларга тўғри келган. Биринчи, иккинчи синфларга бир кун кийилгандан сўнг жағи очилиб қоладиган, ичи кўчанинг чанги, тупроғи, лойи, қори, ёмғири билан лиқ тўладиган «жуҳуд» калиш кийиб қатнаганман. Чамаси, бу калишни машиналарнинг эски, ишдан чиққан камераларидан елимлаб ясар эдилар. Оёғим то мактабга етиб боргунча қоп-қора балчиққа ийланар, кузнинг совуғида ачишиб, худди игна санчаётгандек оғрир эди. Ўша пайтлар қишлар жуда қаттиқ келар ва узоқ давом этарди. Мактабдан қайтгач, танчада узоқ ўтирар, қотиб, шишиб, тамомила жонсиз бўлиб қолган оёғим аста яна ўз ҳолига қайтарди. Товонларим ва панжаларимнинг оралари ёрилиб кетарди. Уйимизни чорбоғ уй деса ҳам бўларди. Учта шипи баланд синчли уй, тепасига зич қилиб тоқи терилган. Баҳор ва қиш серёғин кезлар томдан чакка ўтар, уйнинг ичи чакка йиғиладиган тоғора ва тоғорачаларга тўлиб кетарди. Бир уйда отам, онам, укам ва мен ётардик. Уйимизнинг орқа томонидан чексиз боғзорлар бошланарди. Қатор-қатор ва охири кўринмайдиган ишкомлар, боғнинг олис этакларидаги улкан ёнғоқзор ва нокзор, беҳизорлар болалигимда ҳам кўзимга ажиб тароват ва ҳузур бағишларди. Ёз келганда ишкомлар ичра катта-катта кесаклар оралаб қувлашиб юрар, шиғил осилиб ётган узумларнинг лазиз ва муаттар ҳидлари бошларимизни айлантирар, ишкомлар кўнглимизни тўқлик ва бағрибутунлик ҳиссиётлари билан тўлдирарди.

Уруш йиллари ва урушдан кейинги йиллар бизнинг теварак-атрофимиздаги кўп боғзорлар қаровсиз ва эгасиз қолди. Катта шукуҳли боғларга етимхоналар кўчиб келдилар. Қаровсиз боғларимизнинг бир чеккаси ишчиларга томорқа қилиб берилди. Ишчилар ишкомларни бузиб, ўрнига бақлажон ва картошка экдилар. Сўнг ишчилар ҳам кетиб қолишди ва яланғоч ерлар не вақтларгача экилмай, шувоқзор бўлиб ётди. Сўнг у ер-бу ерлардан одамлар кўчиб келиб, ўзларига муваққат уйлар қуриб яшадилар.

Уруш йиллари еримиз ва боғимизга жуда катта солиқ чиқарди. Отам ва тоғам ҳарбий хизматга чақирилган, катта хонадон ёлғиз онамнинг қарамоғида қолган эди. Эсимда, бир йили уйимизга бир қанча серҳаҳл амакилар келишди. Уйдан онамнинг барча бисотларини ҳовлига олиб чиқишди. Қадимги хитойи чиннилар, улкан вазалар, чўғдек гиламлар, офтобалар—ҳаммаси-ҳаммаси ташқарига уйилди. Рўйхат қилинди. Сўнг солиқ эвазига катта аравага ортиб қайгадир олиб кетилди. Онам шўрлик юм-юм йиғлаб қолавердилар. Шундан сўнг онам жуда маъюс бўлиб қолдилар. Ердан, боғдан ҳам кўнгиллари совуди. Эртаю кеч тикув машинасидан бош кўтармай чеварлик қиладиган ва тиккан кўйлакларини қайсидир артелга топшириб келадиган бўлдилар.

Тоғамни отам муаллимликка ўқитган, урушнинг қайси йилидир, эҳтимол, боши бўлса керак, уйлантирган, сўнг ҳар икковлари урушга чақирилган эдилар. Гўзалдан гўзал келинойим алоҳида безатилган уйда турар, уйнинг токчалари ойнаванд жавон қилиб ишланган, бу жавонларда тоғамнинг китоблари авайлаб сақланарди. Онда-сонда тоғамнинг уйларига онам билан кириб қолсам, шу ораста терилган, муқовалари ажиб ранг-баранг китоблардан кўзимни узолмасдим. Улар менга жуда сирли нарсалар бўлиб кўринарди. Лекин келинойим уларга қўл тегиздирмас, тоғангиз келса, уришади, деб кўз қорачиғидек асрарди. Китобларга ғубор қўндирмасди.

Чорсудан аммам бизникига тез-тез келиб турар, ҳар келганларида бизга нечукдир ширинликлар келтирар, аммам келганда онам ўзларида йўқ хурсанд бўлар, аммамга елиб-югуриб меҳрибонлик қилар, аммам танчада ўтириб узоқ ҳикоялар бошлар, онам ва биз берилиб тинглардик. Аммам доим катта оппоқ рўмол ўраб, оқ-сариқ камзул кийиб, оқликка бурканиб юрардилар. Ҳар келганларида қўлларида оқ тугунчага ўралган икки-уч эски китоблардан келтирар, сўнг уларни қироат билан онамга ўқиб ўтирардилар. Онам ўзлари китоб ўқиёлмас, лекин бениҳоя берилиб китоб эшитардилар. Онамнинг гап-сўзлари ҳам одамнинг ҳеч хаёлига келмайдиган мақол-матал ва қўшиқлар билан безанган бўларди. Онам ғоятда корпармо ва сўзга чечан бўлганликларидан атрофларида кўп аёллар йиғилар, холаларим келишар, чамаси, онам билан турли турмуш икир-чикирлари устида маслаҳатлашар эдилар. Аммам ҳам онамга далда берар, онам қийинчиликларни ҳеч писанд қилмай мардона енгиб борардилар. Аммам кўпинча «Абомуслим»ни ўқир, Қуръон ва Ҳадисларни китобдан тиловат қилардилар. Ҳали ҳамон сариқ чироғ ёруғида узун кечалар китоб ўқиётган аммам кўз ўнгимдан кетмайди. Унинг майин, шикаста овози қулоғимда жаранглаб туради. Онамнинг бу қадар берилиб китоб тинглаганларини кўриб мен ҳам беихтиёр аммамнинг овозига қулоқ солар, сўзлар қулоғимга кирса ҳам, уларни англамас, фақат сўзларнинг турфа оҳанглари хаёлимга ўрнашиб қоларди.

Эҳтимол, китобдек сирли бир нарсага қизиқиш ўшанда аммамнинг таъсирида пайдо бўлгандир. Қизиқиш жуда эрта туғилдию, лекин меҳр анча кейинроқ, эсим кириб, китобларни тоза тушуниб ўқийдиган бўлганимдан сўнг пайдо бўлгандир.

Учинчи синфда ўқиб юрганимда «Ўқиш китоби»мни бир кунда бошданоёқ ўқиб чиққан эдим. Ўшанда жуда кўп номлар, шеърлар, ҳикоялар, асарлардан парчалар ёдимга ўрнашди. Муаллим «Ўқиш китоби»дан сўраса, шариллатиб, тутилмай айтиб берадиган бўлдим. Ранггаргина бир муаллима бизни ўқитар, унинг овози бениҳоя ёқимли, ўзи бизга беҳад меҳрибон эди. Совуқ авжга минган кезлар бизни камзулига ўраб, бағрига босиб иситар, унинг ширин сўзи бизга дармон бўларди. Лекин у касалванд эди, баъзан кўп кунлар келмай қолар, бошқа дарс ўтадиган одам бўлмагани учун бўш ўтирардик. Ёки муаллимамизни кўриб келардик.

Шу синфда ўн ёшларимда мен илк бора мустақил равишда Миркарим Осимнинг «Ўтрор» деган китобини ўқидим. «Ўқиш китоби»да ҳам Миркарим Осимнинг номи ёзилган, унинг бир қанча асарларидан кичкина-кичкина парчалар берилган эди. «Ўтрор»дан сўнг Айнийнинг «Эски мактаб» китобини ўзим дўкондан сотиб олдим. Унда ўн бирга кирган эдим. Янгигина урушдан қайтган отам ҳайитлик пул бердилар ва мен унга «Эски мактаб»ни сотиб олдим. Янглишмасам, биринчи харид қилган китобим шу эди. Худди шу пайтда Уйғуннинг шапалоқдеккина, ҳеч қандай безаксиз оппоқ бир шеър китоби қўлимга тегди. Унда ёзилган шеърлар юрагимга мойдек ёқди. Аммам каби овозимни чиқариб ўқидим. Севги ва қасос ҳақида ёзилган бу шеърлар оғзимга шунчалар татти туюлдики, асти қўяверасиз. Албатта, шеърларнинг сўзларини тушуниб-тушунмас, лекин менга шеърларнинг оҳанглари, сўзларнинг жарангланиши, ажиб қаҳрамонлик ва умидворлик шу қадар ёқарди. Эсимда қолган сатрлар, сўзларни ҳар қайда сабаб-сабабсиз овоз чиқариб такрорлаб юрадиган бўлдим.

Ўн ёшимда китобга шундай ишқивоз бўлдим. Лекин китоблар одамнинг юрагини эзаркан. «Ўтрор» ҳам, «Эски мактаб» ҳам юрагимни эзди. «Ўтрор» ва айниқса, унда тасвирланган Темур Малик юрагимни ноаён сирли ҳисларга тўлдирди. Унинг мўғуллар билан мардона жанглари, дарёда ёв билан омонсиз олишиб сузиб боришлари, умри поёнида Хўжанд кўчаларига кириб келишлари мени тамомила ўзига ром этган эди. Айниқса, унинг ўз ўғли билан учрашувини қайта-қайта ўқир, бу парчадаги инсоний таважжуҳ ўзига асир айлаб, хаёлимда турли фантазиялар уйғонарди. «Кечки пайт. Хўжанд муаззинлари бирин-кетин тақводорларни намози асрга чорламоқдалар. Белига качкул осган жандали дарвиш иргай таёғига суяниб, қинғир-қийшиқ кўчалардан аста бормоқда. У аҳён-аҳёнда тўхтаб, эгалари ташлаб кетгач, хароб ҳолга келган ҳовлилар рўпарасида тўхтар, сўнг яна индамай ўтиб кетарди. Ниҳоят, у катта дарвозали ҳовли олдида тўхтаб, бир лаҳза иккиланиб тургандан кейин ҳалқани тақиллатди. Ўн беш-ўн олти ёшлар чамасидаги бир йигитча дарвозани очиб, дарвишнинг кимлигини суриштирди. Дарвиш жавоб ўрнига:

— Кимнинг ўғлидурсен? — деб сўради.

— Мен улуғ Темур Маликнинг ўғлидурмен.

Кўзидан дув ёш оқиб кетган дарвиш йигитчани қучоқлаб, пешонасидан ўпди, кейин кўз ёшларини артиб:

— Агар отангни кўрсанг, танирми эдинг? — деб сўради.

— Отам мўғул билан жанг қилиб чекинганида мен гўдак эканмен. Анинг ўлик-тиригидан хабаримиз йўқ. Мушфиқ онамнинг вафот этганларига тўрт-беш йил бўлди. — Дарвиш бу гапни эшитиб хўрсинди-да, «Омин» дегандек юзини сийпаб қўйди. — Бу ҳовлида илгариги хизматкоримиз Одина, анинг хотуни ва мен турармиз»...

Ўша узоқ қирқ етти-қирқ саккизда ҳам бу парча шундай эдими ёки бошқачароқми, ҳозир айтолмайман, лекин назаримда шундай эди. Мен бу парчани ва ундан кейинги Темур Маликнинг эски мўғул кушандаларига дуч келиши эпизодларини такрор-такрор ўқир, баъзан кўзимга ёш қалқар, хаёлимда ноаён тасаввуротлар жонланарди.

Мен ўша йилларда ёшимга номуносиб бўлган китобларни «Навоий», «Қутлуғ қон», «Олтин водийдан шабадалар», «Ёдгор», «Қўшчинор», «Пўлат қандай тобланди», «Менинг дорилфунунларим» ёки «Диканка қишлоғи оқшомлари»ни ўқиганларимда ўзим учун ҳам қаҳрамонлик ва ҳам инсонийлик намунасини ахтарардим. «Навоий»да Арслонтой ва унинг севгиси, «Қутлуғ қон»да Йўлчининг Қора Аҳмад билан олишуви, «Қўшчинор»да Сидиқжоннинг ўзи севган ҳовли ва одамларни мардона тарк этиши каби ҳолларни жуда севар, бундай тасвирларни доим қайта-қайта ўқирдим. Кейинчалик «Геклберри Финнинг саргузаштлари», «Том Сойернинг бошидан кечирганлари», «Том тоғанинг кулбаси», «Қуллар» ва «Дохунда» каби асарларни, Гюго, Балзак, Валтер Скоттнинг романларини, жуда-жуда кўплаб қўлим етадиган асарларни ўқиган чоғларимда ҳам улардан нечукдир шундай қаҳрамонлик ва инсонийлик ҳолатлари энг юксак даражада зуҳурланган жойларини севиб мутолаа қилардим. Ўзим билиб-билмай бу ички ҳиссиётларимга ўз таъсирини ўтказар, хаёлим инсонийликнинг энг олий нуқталарини намоён этишликнинг орзусида ўртанарди. Бахтимга ўша йиллари ўзбек халқ достонлари ва эртаклари кўплаб чиқа бошлади. Мен «Гўрўғли» ва «Кунтуғмиш», «Ширин билан Шакар»лар, «Уч оға-ини ботирлар»дан ҳам худди шуни — қаҳрамонлик ва инсонийликнинг ўз чўққисида намоён бўлиши намуналарини изладим, топдим ва таъсирландим. Агар китоблар мени тарбия қилган, туйғуларимни уйғотган ва маърифатли қилган бўлсалар, улар худди шу томонлари билан юрагимни эгалладилар, эркин, ҳур фикрлашга муҳаббат уйғотдилар, одамнинг муносабатлари ичида энг қимматлиси ва қадрлиси — олижанոблик ва эзгулик деган ишонч туғдирдилар. Университетга ҳам мени шу китоблар қўлимдан етаклаб бошлаб бордилар. «Сароб» чиқди, «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Обид кетмон» чиқди. «Минг бир кеча» чиқди. Таҳакур романлари чиқди. О, уларда мен излаган ва мен севган ишлар, муносабатлар саҳоватли қалам билан шунчалар жозибадор тасвирланган эдики, ўзимни уларга ошно бўлаётганимдан беҳад бахтиёр сезардим.

Эллик бешинчи йилгача бўлган китобсизлик ва демак, маънавиятсизлик тугаган эди. Эллик бешинчи йилгача ҳамма китобларни ўқиб бўлдим, деб юрган пайтларим бўлган. Янги китоблар ғоят кам эди. Айнийнинг романлари ва «Эсдаликлар»и қўлимизга текканда, эллигинчи йилда илк ўзбек антологияси дунё юзини кўрганда, суюнчимизнинг чеки бўлмаган. Лекин уларнинг бари, Айний романларидан ташқари, мафкура тароғини кўрган эди. Одамнинг хаёлини юксалтирмас ва парвозга ундамасди. Кўп ва аксарий китоблар ўтмиш ва унинг фожиалари ҳақида ҳикоя қиларди. Руҳни ўлдирар ва сўлғинлик кайфиятларини яратарди у китоблар. Ўтмиш билан эзиш ўтмишдан юз ўгиришга, илдизларга менсимай ва ҳатто нафрат билан қарашга олиб борарди. Бу эса энг оғир касаллик — илдизсизлик касаллигини келтириб чиқарарди. Илдизсиз одамга замон қанча бойлик бермасин, омад ато қилмасин, бари кўп ўтмай совурилиб битади. Илдизсиз одамлар тоифаси юзага чиқди. Уларнинг қанча-қанчалари замон хирмонларида совурилиб кетдилар. Яхши, мен бешинчи синфдан русчани ўрганиб олдим. Тушунсам-тушунмасам, Тургенев, Толстой, Гоголь, Салтиков-Шчедрин, Гаршин, Успенский, Пушкин, Лермонтов, Горький асарларини ҳам ўзбек, ҳам ўз аслида ўқишга киришдим. Лекин уларда тасвирланган ҳаёт қанчалик улуғвор бўлмасин, атрофимдаги ҳаётга ўхшамасди. Эсимда, илк мактабга борганимда икки қаватли қатор деразали, шоён зинали оппоқ мактаб менга жуда ғалати бино бўлиб туюлган. У мен билган, кўрган биноларга ўхшамасди. Шунинг учун балки ётсираб турганман, ўзимни ўнғай сезмаганман. Кейин албатта ўрганиб кетганман. Лекин шу ўхшамаслик китобларда ҳам тўла акс этарди. Фақат Гоголь ва Лермонтовни ўқисам, ўхшамаслик туйғуси унчалик билинмасди. Улар худди менинг туйғуларимни ёзгандай жуда яхши тушунар ва мутолаамдан фароғат олардим. Бу китоблар ҳам одамни қаттиқ эзади. Одамнинг бу руҳий қийноқларга чидаши қийин. Каренин бўлиш, Вронский бўлиш, Анна бўлиш жуда-жуда қийин. Улар ўзларича ҳақ эдилар. Лекин мен уларга ишонмасдим. Ишкомлар, лолақизғалдоқлар очиладиган сувоқ томлар, тор иланг-биланг кўчалар ва тавозе, одоб-икромга ўрганган, етти ёшидан қулоғига суралар уни ва «Абомуслимлар» нолиши кирган одам ростдан ҳам бу асарларни қабул қилиши қийин. Лекин тасвир маҳорати! Лекин ҳаётни билиш, англаш ва тушунтириш санъати! О, қанчалар кўз илғамас юксакликларда эди бу ёзувчилар ва уларнинг асарлари! Ҳайратланмай, лол қолмай илож йўқ! Лекин Шарқда бундай ёзмайдилар ва ёзолмайдилар! Бу рус ёзувчиларига хос!

Замон ўзгаргани сайин, одамнинг ёши улғайгани сайин унинг атрофи ўзгаргани-дек, уни қуршаган китоблар ҳам ўзгаради, янги оламлар очилади, илгари ўқилмаган, хаёлингга келмаган муаллифлар сени қуршаб оладилар. Улар ажиб бир тарзда сенинг шу чоғлардаги руҳий ҳолатинг, кайфиятларинг, қизиқишларинг, талаб-эҳтиёжларингга сирли бир тарзда мос тушадилар. Бошқаларни билмадиму, лекин менинг ҳаётимда доим шундай бўлган. Эллигинчи йилларнинг охири, олтмишинчи йилларнинг бошларида Қодирий асарлари билан бир вақтда Эрнест Хемингуэй, Александр Грин, Паустовскийларнинг асарлари чиқди. Булар мен илгари ўқиган барча асарлардан бутунлай фарқ қилар, ўзгача олам, ўзгача ҳиссиётлар, ўзгача тасвирлар, ҳаммаси тасвир ва сурур, тасвир ва сурур, ўзгача лафзлар, ўзгача фасоҳатли муносабатлар. Бу китоблар одамни ўта матонатли қилади ва хаёлларнинг жуда баланд оламларига бошлаб чиқади. Ҳар ҳолда, ўша пайтлар менга шундай туюлган эди. Яна бу йиллар ҳаётимга Ремаркнинг романлари, «Ёш Вертернинг изтироблари», Анатол Франтс, Эдгар Понинг афсунгар ҳикоялари, Мопассан, Сомерсет Моэм кириб келди.

**А. Ж: Бир суҳбатимизда икки-учта китобни бир пайтда ўқишингизни айтган эдингиз. Бу фикрни чалғитмайдими?**

**И. Ғ:** Қирқ ёшлардан кейин менда шундай одат пайдо бўлди. Бир китобни муттасил ўқиш одамни толиқтиради ва ҳатто бездиради. Мен бир кунда бир қанча китобларни ўқишим мумкин. Ҳаммасидан ўзимга яраша таассуротлар оламан. Китоблар олами худди гуллаб ётган боғни эслатади. Ҳар мева, ҳар гул, ҳар куртакнинг ўзига яраша тароватни ва жозибаси бор. Фикрнинг чалғиши яхши нарса. У фикр бўлгач чалғимай сира иложи йўқ. Чалғиб-чалғиб янги бир қиррани топади. Китоб фикрни чалғитмайди, балки чархлайди. Китоблардаги оламлар билан сизнинг ҳаётий тажрибаларингиз тўқнашади. Шунда ҳиссиётларнинг бойиш ҳодисаси рўй беради.

**А. Ж: Машҳур хитой адиби Чжан Чао: «Китобни йиғиш қийин эмас, кўриб чиқиш қийин. Кўриб чиқиш ҳам қийин эмас, ҳаммадан ўқишга ўрганиш қийин» деган эди. Аслида китоб харид қилиш ва ўқиш инсондан жиддий савод, маданият ва матонат талаб қилади. Мудом китоб йиғиб уни ўқимайдиган, хонадон безаги учун жавонларни тўлдириб қўйган кимсалар ҳаётда учрайди. Бундай сохта зиёлилар ҳақида нима дейсиз?**

**И. Ғ:** Етмишинчи йилларда собиқ иттифоқда ҳам, Ўзбекистонда ҳам китоб чиқариш нисбатан анча ўсган эди. Жаҳон мумтоз адабиётининг гўзал нашрлари дунёга келди. Икки юз жилдлик жаҳон адабиёти кутубхонаси чиқди. Нисбатан тўкчилик замони бўлди. Одамлар буюм, нарса орттириш кўйига тушдилар. Қизларни қўша-қўша гиламлару чет элларда ясалган нафис мебеллар билан куёвга узатиш расм бўлди. Одамлар аста уй-жойга қарай бошладилар. Албатта вақти-вақти билан икки қаватли уй солганлар қаттиқ таъқиб қилиниб ҳам турди. Лекин, барибир, одамларнинг уй-жой сола бошлаганларининг ўзи замонда ҳам, кишилар психологиясида ҳам ўзгариш бошланганидан дарак берарди. Уй солиш фаровонлик ва тўкчилик, кўнгли бутунлик белгиси. Уй солган, катта-катта чароғон залларга чўғдек араб гиламларини ёзган кишилар жавонларни ҳам фақат қимматбаҳо чиннилар билангина тўлдирмай, кўп жилдлик мумтоз адабиёт нашрлари ва айниқса, икки юз жилдлик жаҳон адабиёти намуналарини ҳам сотиб олдилар. Бу ажойиб асарлар жавонлар ва чароғон залларнинг безагига айланди. Бу хонадонларда биллур қандиллар қандай хизмат бажарган бўлса, ҳашамдор китоблар ҳам шундай хизмат ўтардилар. Уларга кўп ҳолларда уй безаги — нарса деб қарардилар. Китоб нарсага айланди. Бухоролик қувноқ бир йигит Чехословакияга саёҳатга бориб, уйга ажойиб бир қандил олиб қайтганлигини ҳикоя қилиб берган эди: «Қандил жуда катта ва кўзни қамаштирадиган даражада гўзал экан. Уйга олиб келиб шипга осмоқчи бўлдим. Лекин бизнинг шиплар бу қандил учун жуда пастлик қилди. Бошимиз у ёққа ўтсак ҳам қандилга тегар, бу ёққа ўтсак ҳам тегарди. Ҳар қанча чиройли бўлмасин, қандилни олиб ташлашга тўғри келди. Уни сотиб олаётганда уйимизнинг аҳволини ўйламаган эканман. Қандилдан воз кечдим». Китоб йиғарлар ҳам сиз айтгандек, мана шундай қандил ишқивозига ўхшашарди. Аммо қаранг, ҳозир бундай ишқивозлар қолмади ҳисоб. Лекин, барибир, китоб уйда бўлса, бир кун бирон кимсанинг қалбига йўл топади.

**А. Ж: Бирор китоб ҳаётингизда ё ижодингизда жиддий бурилиш ясашга сабаб бўлганми? Умуман, яхши китоб ўқиганда қандай ҳолатга тушасиз?**

**И. Ғ:** Етмишинчи йиллар давомида мени доим бир нарса қийнаб келди: Ўз ёзганларимдан ўзим ҳеч қониқолмасдим. Ёзганларимда ғирром йўқ эди. Жон куйдириб, севиб, муҳаббат билан бадиий адабиёт, китоблар ва ёзувчилар ҳақида ёзардим. Лекин нима сабабдандир қилаётган ижодий ишимдан фароғат топмасдим. Одамга ўз иши фароғат ва қониқиш ато этмаса, ўсиш, ўзгариш йўқолади, туғанмас руҳий қийноқлар ҳам худди шундан. Ишларим тор доирада қолиб кетаётгандай ва энг муҳими, жуда зарур бир нима етишмаётгандай эди. «Бундай ёзмаслик керак, бундай тангу тор яшамаслик керак», деган буровга ўхшаган фикр тўхтовсиз кемирар ва пармаларди.

70-йилларда Ўзбекистонда янги фикрли, янги оҳангли, янги мавзули шоирлар юзага чиқишди. Шеъриятда жасорат, ўз-ўзидан норозилик, киноявийлик тўлишди. Ўша пайтлардаги Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповни эсланг. Улар ижодида киноявийлик яхшигина кучайди. Мен буни ижтимоий-маънавий турғунликдан, миллий қадрсизланишдан чиқиш орзуси деб тушунардим. Миллатнинг аҳволини ҳар қачон, ҳар ерда шоирлар аввало яхши англаб, яхши ҳис қиладилар. Ўша замонлар шоирларнинг ёзганларида мавжуд аҳволдан норозилик бўртиб турар, ноаён изтироблар шиддатланарди.

Ўша йиллар мен узоқ орзу қилиб, ниҳоят, «Қуръон», «Таврот», «Инжил», «Забур», «Панчатантра», «Дхаммапада», «Бхагавадгита», «Овисто» парчаларини ўқишга муяссар бўлдим. Ўқигач, дунё адабиёти, фалсафаси, маданияти ва умуман, ҳар қандай маданият ҳодисаси бўлган китобни бу илоҳий муждаларсиз англаб, таҳлил этиб, инсоният, қолаверса, миллий тараққиёт тарихий жараёнларидан ажратиб қараб бўлмаслигини тушуниб етдим. Таҳлилни ўзгартирдим. «Прозанинг шоири» ва «Шеърият — изланиш» деган ўша пайтда чиққан китобларимда ўз назаримда таҳлилни ўзгартиришга, адабий ҳодисаларга муносабатни янгилашга уриндим, лекин билмадим, янги бир нуқта тополдиммикин бу борада? Ўшанда адабий асарнинг туб синоатини, туб қимматини ва туб моҳиятини, туб ҳақиқатини топишга интилдим. Шу тўрт «туб»ни излашни ўзимча янги таҳлил деб юрдим. Яна қайдам? Саксонинчи йилларда ёзган машқларимда шунга эришдиммикин?

Сўнг «қайта қуриш» етиб келди. Миллий ҳаёт, ҳурфикрлик жонланди. Яқин ўтмиш қайта баҳоланди. Ҳаммадан ҳам муҳими, мазза қилиб китоб ўқиш имконияти туғилди. Маркес, Борхес, Кафка, Фриш, Роберт Музил, Кортасарлар чиқди. Нитсше, Зигмунд Фрейд, Эрих Фромм, Карл Ясперс, Шопенгауер, Чўлпон, Фитрат, Беҳбудий ва бошқа кўплаб улуғвор ақл эгаларининг мағиз-мағиздор, келбатли асарлари чиқди. Японияниинг мумтоз шеърияти ва насри, қадим Хитой, Ҳиндистон, кўпгина Шарқ донишмандларининг ҳикматларини ўқишга муяссар бўлдик. Менга япон насри ва айниқса, Сен-Сёнагоннинг «Ёстиқ остидаги мактублар» асари қаттиқ таъсир қилди. Борхес ва Сен-Сёнагонни ўқигач, ўзимнинг энг яқин ёзувчиларим ва маслакдошларимни топгандек суюниб кетдим. Китобларнинг қудратини қаранг, улар таъсирида ўзимнинг не замонлардан бери шаклини топмай юрган ёзувларим, ўйлар, таассуротларим мансура тусига кирди. Балки «Қуръон» ва «Таврот» эъжозидан ўтгандир бу шакл. Япроқ қуёшга нимани ҳикоя қилса, мансура ҳам худди шундай ҳикоятлар сўйлаб беради, деб умидландим.

Китобларнинг таъсири ҳақида худди Парандовский ёки Паустовский каби катта-катта жозибадор асарлар ёзиш мумкин эди...

**А. Ж: Саёз, бемаъни китобларнинг кўплаб чоп этилаётганлиги миллатнинг маънавиятига салбий таъсир қилмасмикин?**

**И. Ғ:** Балки буни қандайдир тарзда бўлмасин фикрлашга, ўзини кўрсатишга уриниш деб тушунмоқ керакдир. Ўз маблағи ҳисобига китоб чиқариш ва шуҳрат қозонишга уриниш эҳтимол унчалар айбли нарса эмасдир. Лекин ёзилган нарса жўн ва ибтидоий бўлсаю, шунга қарамасдан, уни турли йўллар билан нашр қилишга киришилса, бу жуда ёмон айбдир. Ўзини ва ўзгаларни алдаб юрадиган бети қаттиқ кишилар бўлади. Уларга қаллоблик оддий бир нарса бўлиб кўринади. Қалбаки нарсаларни асил нарса деб тиқиштирмоқчи ва тушунтирмоқчи бўлиб уринадилар. Чамаси, «ёзувчи» деган ном уларга ниқоб учун керак. Одамлар ҳузурига жулдур ва исқирт либосда чиқиш қанчалар уят бўлса, қалбаки ва саёз китоблар чиқариш шунга ўхшаган уят ишдир. Ҳар бир китобга маданият ҳодисаси, миллат ҳаётидаги ҳодиса деб қараш кучайган ва ноширлар китобнинг мазмундорлигига бўлган талабни — бош талаб, чекинилмайдиган талаб қилиб қўйганлари сайин сохта ва саёз китоблар ўз-ўзидан тўкилиб қолади.

**А. Ж: Бозор иқтисоди шароитида китоб дўконларини саргузаштлар, фантастик асарлар эгаллаб олаётгани сир эмас. Бу ҳол жиддий йирик китобларни чиқаришга халал етказмасмикин?**

**И. Ғ:** Тўғри, ҳозир кўпроқ ва асосан рус тилида детектив ва эротик китоблар чиқариш авжга минди. Енгил ўқиладиган детектив ва саргузашт асарлар Ғарб мамлакатларида аввалдан кўплаб чиқарилади. Уларни кишилар оғир ишдан сўнг ўзини чалғитиш, миянинг қандайдир ором ва саргузаштга бўлган табиий эҳтиёжларини қондириш учун ўқийдилар. Енгил адабиётнинг ўз қонуниятлари мукаммал шаклланган. Жиноятчилик билан полиция ўртасидаги кураш авж олган сайин детектив адабиётга бўлган талаб ҳам кучаяди. Бунга ўз номи билан енгил адабиёт деб қараш керак. Ундан жиддий нарсаларни талаб этиш ўринли эмас. Ўзбекистонда ўзбек тилида ҳали енгил адабиёт — детектив, эротик адабиёт тўла маънода юзага чиққан эмас. Баъзан одам руҳий толиқиб, Чейзни, Агата Кристини ўқигиси келади. Ростдан ҳам, уларни ўқисангиз, негадир ўзингизни енгил сезасиз. Асабий ҳолатдан қутуласиз. Оғирчиликларингиз ўқиган китобингизнинг ўткир воқеалари таъсирида ўз-ўзидан тўкилиб тушади. Ўзбекистоннинг ўз Чейзлари, Агата Кристилари чиқармикин? Менимча, албатта чиқади. Ижтимоий тараққиёт илгарилаган сари бадиий тафаккурда ранг-баранглика интилиш кучаяди. Ўшанда бизда ҳам ҳақиқий маънодаги саргузаштлар ва детективлар пайдо бўлади. Жиддий адабиётни детектив ва саргузашт адабиётга қарши қўймаслик керак. Буларнинг ўрни бошқа-бошқа ва вазифаси ҳам бошқа-бошқа. Лекин иккисига ҳам ўткирлик, оригиналлик сув-ҳаводай керак.

**А. Ж: Китобларнинг сифати, тарғиботи ва савдосини қандай қилиб яхшилаш мумкин? Китобхонлик даражасини қандай кўтариш мумкин?**

**И. Ғ:** Билмадим, бу куйинчак саволларингизга мен жавоб беришим керакмикин? Буларни йўлга қўйиш, боя айтганимиздай, китобга энг юксак маданият ҳодисаси ва маданий иш деб қарашга тамомила боғлиқ. Мен ўзим китобни ота-она, мураббий, устоз даражасида кўраман ва англайман. Китобга қизиқиш ва меҳр болаликда уйғонади. Бунда оила ва мактабнинг ўрни катта. Шароит, муҳит, тарбия қандай бўлса, одам ҳам шундай. Китоб ишида - мен ёзувчи ва ноширдан кўра ҳам муаллимни биринчи, бош ўринга қўйган бўлардим. Ҳеч унутмайлик, китобга меҳр муаллим ва мураббий орқали ўтади. Бунда мураббий ва муаллимнинг магнити қандай бўлса, болаларнинг аҳволи ҳам худди шундайдир. Бизда бир йилда битта китоб ўқийдиган, учта китоб ўқийдиган, бешта, ўнта китоб ўқийдиган, йигирмата-ўттизта китоб ўқийдиганлар қанча экан? Биров буни ҳеч ҳисоблаб чиққанми? Илмий кузатишлар қилганми? Шу кузатишлар асосида ноширлар учун тавсиялар ишлаб чиқилганми? Эҳтимол, ҳамманинг Озод Шарафиддинов ёки Маҳмуд Саъдий каби китобга ўч бўлиши шарт эмасдир. Бу ҳар кимнинг ўз иши. Лекин бир йилда маънавият, илм, маданият учун ўнта китоб ўқимаган одам қандай ватанпарвар бўлади?

**А. Ж: Федор Достоевский: «Ўқинг ва ўрганинг. Жиддий китобларни ўқинг. Қолганини ҳаётнинг ўзи беради», деб ёзган. Сиз ўқилиши зарур бўлган жиддий китоблар рўйхатига қайси асарларни киритган бўлардингиз?**

**И. Ғ.:** Ҳаммасини инсониятга марҳамат қилиб нозил қилинган илоҳий китоблардан бошламоқ керак. Уларнинг илҳоми сизни миллий ва жаҳон мумтоз адабиёти ва фалсафасига олиб чиқади. Ҳинд, Хитой, Япония, Америка, Европа ва барча Шарқ мамлакатларининг буюкдан буюк ёзувчилари кўп. Санаб адо этиш қийин. Ундан ҳам нарироқ назар ташлайман десангиз, қадимги Румо, Юнон, Миср, Эрон маданиятининг жавоҳирлари. Ҳаммасига улгуриш қийин. Лекин ўз ҳаётий манфаатларингиз ва қизиқишларингиз, ватанпарварлик эътиқодларингиз доирасида китоб танлайман десангиз, тўғри қиласиз ва бунда ҳам қаршингизда бутун бир оламлар очилади.

**А. Ж.: Шу кунларда қандай китобларни ўқияпсиз?**

**И. Ғ:** Нерунинг «Жаҳон тарихига бир назар» деган буюк асарини қайта ўқияпман. Эрих Фроммнинг «Инсон қалби» деган фалсафий китобини ўқиб бениҳоя ҳузур олдим. Инсон ҳақидаги тушунчаларим кенгайди. Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музаккири аҳбоб» деган тазкираси чиқибди. Олдим. Илгари бу китоб ҳақида ўқиган эдим. Мана энди ўзини ўқишга муяссар бўлдим. Яна Абу Исо Термизийнинг «Саҳиҳи Термизий» ҳадислар китобини ўқидим. Шундай донишманд боболаримизга меросхўр бўлганимиздан ғурурланмай бўладими? Ўқилаётган китоблар кўп. Қай бирини айтай? Мен ҳеч хиёнат қилмайдиган, алдамайдиган, доим хаёлимга хаёл қўшадиган вафодор дўст орттирганман. Ҳаётимни ҳамиша шу дўстим билан баҳам кўраман.

